

ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИ КЎПАЙТИРИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 22 ноябрь куни қайта тикланувчи энергия манбаларини кўпайтириш ва соҳани ривожлантириш масалалари муҳокамаси юзасидан йиғилиш ўтказди.

Маълумки, нефть, газ каби анъанавий энергия манбаларининг захираси чекланган. Қолаверса, уларнинг табиатга зарари ҳам кўп. Шу боис ривожланган давлатлар "яшил энергетика"га ўтмоқда. Бундай сай-ҳаракатлар нафақат бугун, балки келажак учун жуда муҳим.

Мамлакатимизда ҳам бу борада катта ишлар бошланган. 2019 йил 21 майда "Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида" Қонун қабул қилиниб, соҳа ривожига асос яратилди. Хорижий инвесторлар жалб этилиб, кўплаб истиқболли лойиҳалар ишлаб чиқилди.

Жорий йил августда Навоий вилоятида юртимиздаги илк куёш фотоэлектр станцияси ишга туширилди. Келгуси ойда Самарқандда яна бир шундай станция фойдаланишга топширилади.

Умуман, 2022 — 2024 йилларда 3 миллиард АҚШ доллари тўридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобига, жами қуввати қарийб 3 минг мегаваттлик 10 та куёш ва шамол электр станцияларини барпо этиш режалаштирилган.

Яқинда Шотландиянинг Глазго шаҳрида бўлиб ўтган иккинчи бўйича халқаро саммитда Ўзбекистон 2030 йилгача иссиқхона газларининг ялпи ички маҳсулот бирлигига тўғри келадиган улушини 2010 йилдагига нисбатан 35 фоизга камайтириш ташаббусини эълон қилди. Бунинг учун барча асослар бор. Хусусан, 2026 йилга қадар мамлакатимизда куёш ва шамол электр станциялари умумий қувватини 8 минг мегаваттга етказиш чоралари кўрилади.

Йиғилишда ушбу мақсад йўлидаги вазифалар, лойиҳаларни амалга оширишнинг молиявий ва ташкилий жиҳатлари муҳокама қилинди.

Ў.А.

МАДАНИЯТ ВА СПОРТ МАЖМУАЛАРИ ЛОЙИҲАСИ ТАҚДИМОТ ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев хузурида Тошкент шаҳрида амалга оширилиши режалаштирилган бунёдкорлик лойиҳалари тақдими ўтказилди.

Улардан бири — Алишер Навоий номидаги адабиёт музейи бўлиб, Адиллар хибонида туташ худудда қурилади. Ушбу мажмуа музей билан бирга илмий тадқиқот маркази, Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти, мактаб ва ётоқхона ўз ичига олади.

Ўзбекистон Миллий боғи

яқинда Президент кутубхонаси қурилиши ҳам режалаштирилган. У 4 қаватли бўлиши, бир вақтда 1 минг 400 дан зиёд ўқувчи хизмат кўрсатиши кўзда тутилган. Кутубхонада 1 миллион 500 мингта китоб сақланиши билан бирга электрон адабиётлар, мультимедиа маҳсулотлари ҳам бўлади.

Давлатимиз раҳбари бу мажмуаларни қуришда энг замонавий технологиядан фойдаланиш, билимсеварларга барча қулайликларни яратиш бўйича кўрсатмалар берди.

Тақдимида Олимпия шарҳчаси лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОЙИШИ 2022-2023 йилларга мўлжалланган янги ўзбекистон маъмурий ислохотлари дастурини ишлаб чиқиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида

Маъмурий ислохотларни изчил давом эттириш йўлида ўз ечимини кутаётган масалаларни ҳал этиш, Янги Ўзбекистон шароитида давлат бошқаруви ва маҳаллий давлат ҳокимияти тизимининг самарадорлигини ошириш, улар фаолиятини натижадорликка йўналтириш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлаш ва "мобил бошқарув аппарати"ни яратиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайловолди дастури ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш маросимига баянланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузаси доирасида илгари сурилган ташаббус ва тақлифларни реализация қилиш мақсадида:

1. Қуйидагилар: 2022-2023 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотлари дастурини ишлаб чиқишни мувофиқлаштирувчи республика комиссияси (кейинги ўринларда — Комиссия) 1-иловага мувофиқ;

Давлат бошқаруви органларининг макomini белгилаш, тузилмаларини такомиллаштириш ва штат бирликларини мақбуллаштириш юзасидан тақлифларни ишлаб чиқиш бўйича ишчи гуруҳи 2-иловага мувофиқ;

(Давоми 2-бетда).

Гендер тенглик

ЖУГРОФИЙ, ИЖТИМОЙ ВА ИҚТИСОДИЙ ЧЕГАРА БИЛМАС МУАММО

Кеча пойтахтимизда "Зўравонликка қарши биргаликда курашамиз" шиори остида 16 кунлик кампаниянинг бошланғич бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Унда Олий Мажлис Сенати Раиси, Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссия раиси Танзила Норбоева, Миллий масс-медиа ни кўлаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди Вазирлик кенгаши раиси ўринбосари, Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссия аъзоси Саида Мирзиёева, сенатор ва депутатлар, БМТ Аҳоли-шунослик жамғармасининг

Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Ю Ю, БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги доимий вакили Матильда Димовска, қатор халқаро ташкилотлар мутахассислари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, худудлардан тегишли соҳа вакиллари, нодавлат нотижорат ташкилотлари раҳбарлари, Ёшлар парламенти аъзолари қатнашди.



Ўзбекистон — Қозоғистон: ПАРЛАМЕНТЛАРАРО АЛОҚАЛАР ЯНАДА МУСТАҚАМЛАНАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Одилжон Тожиев бошчилигидаги парламент делегацияси Қозоғистон Республикасининг Нур-Султон шаҳрида бўлиб, "Элбоши. Мустақиллик. Парламент" мавзусида ўтказилган халқаро конференцияда иштирок этди.

Хамкорлик

Қозоғистон Республикаси мустақиллигининг 30 йиллиги, парламентининг 25 йиллигига бағишлаб ўтказилган ушбу анжуманда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари О. Тожиев сўзга чиқиб, мамлакат халқини ҳамда конференция иштирокчиларини Элбоши кунини ҳамда Қозоғистон Республикаси мустақиллигининг 30 йиллиги билан самимий табриқлади.

алоқалари сезиларли даражада фаоллашиб, бу борадаги хамкорлик тобора юксалиб бораётганлигини таъкидлади. Ўз навбатида, ҳар икки давлат раҳбарлари ўртасидаги иллик ва дўстона муносабатлар парламентлараро хамкорликни янада мустақамлашга алоҳида замин яратаяётганини қайд этди.

Халқаро конференция доирасида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари О. Тожиев Қозоғистон Республикаси Парламенти Мажлиси раиси Н. Нигматулин билан учрашди.

«Халқ сўзи».

ЎЗБЕКИСТОН МИНТАҚАДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ ХАБИГА АЙЛАНМОҚДА

Ривожланган мамлакатларда таълимга ҳамisha ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-маданий ҳаётнинг устувор йўналиши сифатида қараб келинади. Аксарият ҳолларда ушбу мезон бизнес бўлишга қабул қилинади. Сабаби таълимга бозор иқтисодиёти принциплари қанчалик чуқур кириб борса, унинг рақобатдошлиги шунча ортади.

Нуктаи назар

Зеро, малакали, замон талабларига жавоб бера оладиган профессионал мутахассислар тараққиёт "драйвер"лари ҳисобланади. Аммо бугунги пандемия шароитида таълимга асосий эътиборни сақлаб қолиш ва шу йўлда давом этиш бирмунча мураккаблашиб борапти.

Шундай бўлса-да, мазкур стратегик миссияни ҳар қандай шароитда ҳам шараф билан бажараётган давлатлар бор. Улардан бири — Ўзбекистон.



8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун

МАЛАКАЛИ ТИББИЙ ХИЗМАТ КАФОЛАТИ

Конституция — давлатнинг асосий қонуни бўлиб, шахс, жамият ва давлатнинг ўзаро муносабатларини тартибга солади. Унинг иккинчи бўлими фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ҳамда эркинликларига бағишланган. Бу бўлимда инсоннинг шахсий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари ўз аксини топган. Жумладан, фуқароларнинг тиббий хизматга бўлган ҳуқуқи ҳам шу бўлимда белгиланган. Конституциямизнинг 40-моддасида ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга эканлиги мустақамлаб қўйилган.

Мамлакатимизда фуқароларнинг малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқини таъминлашга, аҳоли саломатлигини сақлашга қаратилган йигирмадан зиёд қонунлар, бир неча юзлаб Президент Фармони ҳамда қарорлари, Ҳукумат қарорлари қабул қилинди. Улар доирасида соғлиқни сақлаш тизими янада такомиллаштириш, тиббий хизмат сифати ва самарадорлигини мус-

тақамлаш, дори таъминотини яхшилаш, тиббий таълимни ривожлантириш борасида кенг қўламли ислохотлар олиб борилмоқда. Айниқса, сўнгги беш йилда Харақатлар стратегияси доирасида бу борадаги ишлар янада жадал тус олади. Соғлиқни сақлаш соҳасини молиялаштириш учун ажратилаётган маблағлар сезиларли даражада ошди. Соҳадаги харажатлар 4 баробар, дори воситалари ва тиббий буюм-

лар учун харажатлар 7 баробарга кўпайди. Утган давр давомида бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатиш тизimini такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Негаки, бу тизим соҳанинг асоси, десак, муболага бўлмайдди. Оилавий поликлиника ва оилавий шифокорлик пунктлари ташкил этилиши орқали аҳолининг ушбу хизматлардан фойдаланиш имкониятлари кенгайди. Бундай муассасалар фаолияти мутлақо янги — "тиббий бригадалари" шаклида ташкил этилди. Ушбу бригадалар томонидан аҳоли манзилли скринингдан ўтказилиб, индивидуал патронаж тизими йўлга қўйилмоқда.

Оилавий поликлиникаларда тиббий текширувлар сони кўпайди, тор соҳа мутахассислари қабули йўлга қўйилди. Шошилинч тиббий ёрдам кўрсатишининг ягона марказлашган тизими яратилди. Шунингдек, ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатувчи муассасалар ташкил этилди. Бундай хизмат турлари кўпайтирилиб, муассасалар тармоғи кенгайтирилмоқда.



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ МОСКВАГА ТАШРИФИ РОССИЯ — ЎЗБЕКИСТОН МУНОСАБАТЛАРИНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА ОЛИБ ЧИҚАДИ

19 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Россия Федерациясига расмий ташрифи бўлиб ўтди. Ушбу ташриф Ўзбекистон раҳбарининг қайта сайланганидан кейинги биринчи икки томонлама саммит бўлганлиги билан эътиборлидир.

Акс садо

Москвадаги "жонли" музокаралар, коронавирус тарқалишининг навбатдаги тўқтинга қарамасдан, икки мамлакатнинг стратегик яқинлиги ва Президентлар ўртасидаги юқори даражадаги мулоқотнинг муҳим кўрсаткичи бўлди. Шавкат Мирзиёев ва Владимир Путин Россия — Ўзбекистон муносабатларини янада ривожлантириш, жумладан, сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар соҳалардаги кенг қўламли масалаларни муҳокама қилди. Долзарб халқаро ва минтақавий масалалар, жумладан, Афғонистондаги вазиятнинг ривожланиши борасида фикр алмашди.

Ташриф давомида жами 18 та икки томонлама шартномани ўз ичига олган ҳужжатлар туркуми, жумладан, 2022 — 2026 йилларга

мўлжалланган кенг қамровли хамкорлик дастури, халқаро аҳборот хавфсизлиги соҳасида хамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро битим ва биологик хавфсизликни таъминлаш тўғрисидаги меморандум, шунингдек, таълим соҳасида хамкорлик тўғрисидаги идоралараро битим имзоланди.

Давлат раҳбарлари "Толибон" ҳаракатининг муваққат ҳукумати келиши билан Афғонистон ва Марказий Осиёда ривожланаётган вазиятни атрофлиқа муҳокама қилди. Икки томонлама ва кўп томонлама асосда биргаликда сай-ҳаракатлар борасида фикр алмашди. Хавфсизлик ва ҳарбий-техникавий хамкорликни ривожлантириш соҳаларидаги хамкорлик истиқболлари белгилаб олинди.



ЎЗБЕКИСТОН БУЮК БРИТАНИЯНИНГ КЕНГАЙТИРИЛГАН GSP ТИЗИМИГА ҚЎШИЛГАН БИРИНЧИ ДАВЛАТ БЎЛДИ

Ўзбекистон 2021 йил 1 ноябрда Буюк Британиянинг Кенгайтирилган преференциялар Бош тизими (GSP) аъзолигига расман қабул қилинди.

Шу муносабат билан 22 ноябрь куни мамлакатимизнинг тизимга қўшилишига бағишланган мажлис анжумани бўлиб ўтди.

Мазкур тадбир Буюк Британиянинг мамлакатимиздаги элчихонаси ва Ўзбекистон Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан ҳамкорликда ўтказилди.

Қиролчианинг Шарқий Европа ва Марказий Осиё бўйича савдо комиссари Кенан Полео брифингда иштирок этиш мақсадида Ўзбекистонга илк расмий ташрифи би-

лан келди. У Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Сардор Умурзоқов билан учрашди.

Кенгайтирилган GSP тизими бенефициари мақоми берилишининг сабабларидан бири, Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари, меҳнат стандартлари, атроф-муҳит ва самарали бошқарув соҳасидаги 27 та асосий халқаро конвенцияни муваффақиятли ратификация қилгани бўлди.



ОРОЛБЎЙИДА ЭКОЛОГИК ИННОВАЦИЯЛАР ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

Пойтахтимизда "Оролбўйини экологик инновациялар ва технологиялар худудига айлантирамиз" мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди.

Халқаро конференция

Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — туризм ва спорт вазири Азиз Абдухалимов очди.

Халқаро конференцияда БМТ Бош қотибнинг Марказий Осиё бўйича махсус вакили, БМТнинг Марказий Осиёда превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази раҳбари Наталья Герман, БМТ Тараққиёт дастурининг Европа ва МДҲ минтақавий бюроси директори Мирьяна Споларич Эггер, Олий Маж-

лис Сенатининг Оролбўйи минтақасини ривожлантириш қўмитаси раиси Борий Алихонов, Мегаполисларни ривожлантириш Буюк Париж альянсининг президенти Никола Бушу, ЮНЕСКО Бош директорининг илм-фан бўйича ёрдамчиси Шамила Наир-Бедуэль хоним, Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирининг Иброҳим Абдураҳмонов табрик сўзлари билан чиқиш қилди.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОЙШИ

2022-2023 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистон маъмурий ислохотлари дастурини ишлаб чиқиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Давлат бошқаруви органлари фаолиятида рақамли технологиялар, очкилик ва давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш юзасидан таклифларни ишлаб чиқиш бўйича ишчи гуруҳи 3-иловага мувофиқ;

Давлат бошқаруви органларининг моддий-техника таъминотини такомиллаштириш юзасидан таклифларни ишлаб чиқиш бўйича ишчи гуруҳи 4-иловага мувофиқ;

Давлат бошқаруви органларининг кадрлар салоҳиятини такомиллаштириш юзасидан таклифларни ишлаб чиқиш бўйича ишчи гуруҳи 5-иловага мувофиқ;

Давлат бошқаруви органларида коррупциянинг олдини олиш юзасидан таклифларни ишлаб чиқиш бўйича ишчи гуруҳи 6-иловага мувофиқ;

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш юзасидан таклифларни ишлаб чиқиш бўйича ишчи гуруҳи 7-иловага мувофиқ ташкил этилиши.

2. Комиссиянинг асосий вазифалари этиб куйидагилар белгилансин:

маъмурий ислохотларни амалга оширишда давлат бошқаруви органларининг фаолияти ўзаро келишилган тарзда, самарали олиб борилиши, сусткашлиklar ва масъулиятсизликка йўл қўймаслигини таъминлаш, шунингдек, ишчи гуруҳлари ишини пухта ва сифатли ташкил қилиш, мазкур фармойишда белгиланган чора-тадбирлар билан бир қаторда уларнинг қўшимча вазифа ва функцияларини белгилаш;

вазирликлар, давлат қўмиталари, қўмиталар, агентликлар, инспекциялар, марказлар ва бошқа давлат бошқаруви органлари (кейинги ўринларда — вазирлик ва идоралар)нинг давлат сиёсатини амалга ошириш, назорат функцияларини бажариш, жисмоний ва юридик шахсларга давлат хизматларини кўрсатиш соҳасидаги функцияларини бўлиш;

вазирлик ва идоралар фаолиятида аниқ кўрсаткичлар ва мақсадли индикаторларга эришиш тизимини жорий қилиш;

давлат бошқаруви асослари тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларининг замон талабларига мос равишда пухта ишлаб чиқилиши ҳамда киритилишини таъминлаш.

3. Ишчи гуруҳлар раҳбарлари Р.Қ.Давлетов, Ш.Х.Шерматов, Т.А.Ишметов, О.А.Хасанов, Н.Т.Йўлдошев, Д.А.Кучкаров 2022-2023 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотлари дастури лойиҳасига таклифлар 8-иловада белгиланган асосий устувор йўналишларни инobatта олган ҳолда ишлаб чиқишлини таъминлашин.

4. 2022-2023 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотлари дастурининг лойиҳасини ишлаб чиқиш схемаси 9-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ; мазкур фармойишнинг 2-7-иловаларига мувофиқ ташкил қилинган ишчи гуруҳлари томонидан тайёрланган таклифлар ишчи гуруҳи раҳбарининг имзоси билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритилади;

таклифлар тақдимот кўринишида тақдим қилинади ҳамда уларга таҳлилий маълумотнома ва жадваллар, ривожланган маълуматларнинг таҳрибасини ўрганиш бўйича маълумотнома ва бошқа материаллар, шунингдек, зарур ҳолларда, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари илова қилинади (кейинги ўринларда — тақдимот материаллари);

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда ишчи гуруҳлари билан биргаликда тақдим қилинган тақдимот материалларини кўриб чиқади ҳамда Комиссияга киритади;

Комиссиянинг йиғилишида тақдимот материалларини шахсан ишчи гуруҳлари раҳбарлари тақдимот қилади.

6. Белгилансинки, ишчи гуруҳи аъзолари асосий иш жойидаги вазифалардан тўлиқ озод қилинади ҳамда тегишли давр мобайнида улар учун қонунчиликда белгиланган барча шарт-шаройлар сақлаб қолинади.

Вазирлик ва идоралар раҳбарлари икки кун муддатда ишчи гуруҳлари таркибига киритилган аъзолар белгиланган тартибда ўз ишида тўлиқ фаолият юритишини таъминлашин.

7. Ишчи гуруҳлари раҳбарлари Р.Қ.Давлетов, Ш.Х.Шерматов, Т.А.Ишметов, О.А.Хасанов, Н.Т.Йўлдошев, Д.А.Кучкаров:

уч кун муддатда ташкилий йиғилишларни ўтказиб, тегишли йўналиш доирасида белгиланган вазифалар сифатли ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш бўйича саволнома, тармоқ графига ва тақдимот материаллари намуналарини тасдиқласин ҳамда ишчи гуруҳи аъзоларининг вазифалар тақсимотини белгиласин;

ишчи гуруҳлари фаолиятини самарали ташкил қилиш учун барча зарур чораларни амалга оширсин;

хар кун тегишли ишчи гуруҳлари томонидан тайёрланаётган таклифларнинг муҳокамасини ташкил этиб борсин, зарур ҳолларда, ушбу ишларни бошқа ишчи гуруҳлари билан биргаликда амалга оширсин;

таклифларни тайёрлаш жараёнида ишчи гуруҳлари ўртасида самарали ва доимий коммуникация ҳамда ҳамкорликни йўлга қўйсин;

2022 йил 20 январга қадар ишчи гуруҳлари томонидан ҳар томонлама асослангирлиган таклифлар ишлаб чиқилишини ва уларнинг манфаатдор вазирлик ва идоралар, шу жумладан, маҳаллий ҳокимликлар билан келишилишини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритилишини таъминласин.

8. Ишчи гуруҳлари раҳбарларига: белгиланган вазифаларни амалга оширишда вазирлик ва идоралар, илмий ва таълим муассасалари, халқаро ташкилотлар мутахассислари, шунингдек, маҳаллий ҳамда хорижий эксперт ва маслаҳатчиларни жалб қилиш;

журналист ва блогерларни жалб қилиш ҳамда тайёрланаётган таклифларни оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда ёритиш, белгиланган вазифалар бўйича сўровномалар ташкил қилиш ҳуқуқи берилсин.

9. Ташкил ишлар вазирлиги (А.Х.Каммилов): ишчи гуруҳларининг сўровларига асосан Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатлардаги дипломатик ваколатхоналарини жалб қилган ҳолда тегишли масалалар юзасидан ривожланган давлатларнинг тажрибасини чуқур ўрганиб, улар бўйича маълумотларнинг тезкор тақдим этилишини таъминласин;

ушбу маълумотларни тайёрлашда хорижий давлатларнинг нуфузли экспертлари, олимлари ва мутахассислари билан учрашувлар ва муҳокамалар ўтказиш (шу жумладан, видеоконференцалоқа шаклида), улардаги асосий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни таржима қилиш чораларини кўрсин;

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда халқаро ташкилотлар ва халқаро молия институтларидан маъмурий ислохотлар юзасидан тайёрланган таҳлилий ахборотлар ва ҳисоботлар, шунингдек, тавсия ва таклифларини сўраб олсин ва ишчи гуруҳларига тақдим этсин, зарур ҳолларда, уларнинг таҳрибали экспертларини ишчи гуруҳлари фаолиятига жалб қилишга қўмаклашсин;

Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги, “Эл-юрт умиди” жамғармаси билан биргаликда зарур ҳолларда ишчи гуруҳлари аъзоларини ривожланган хорижий давлатларга қисқа муддатли хизмат сафарига юборишни ташкил этсин.

Бунда ишчи гуруҳлари аъзоларини хорижга юбориш билан боғлиқ харажатлар (транспорт, меҳмонхона, кунлик ва бошқалар) Давлат хизматини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қўлланади.

10. Комиссия (А.Н.Арипов, З.Ш.Низомиддинов): 2022 йил 10 февралга қадар тақдимот материалларини кўриб чиқсин;

2022 йил 20 февралга қадар ҳар бир йўналиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентига тақдимот қилсин;

2022 йил 1 мартга қадар 2022-2023 йилларда Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотларини амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”ни тасдиқлашни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони лойиҳасини киритсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2021 йил 22 ноябрь

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Москвага ташрифи Россия – Ўзбекистон муносабатларини янги bosқичга олиб чиқади

Шавкат Мирзиёевнинг Россияга ушбу ташрифининг бундай кенг кўламли дастурга эга эканлиги икки давлат ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг фаоллашуви фондида табиийдир. Ўзбекистон Президенти таъкидлаганидек, сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Россия муносабатларида ҳақиқий бурилиш юз берди. Жумладан, 2021 йилнинг дастлабки тўққиз ойида мамлакатлар ўртасидаги савдо ҳажми 5 миллиард доллардан ошди ва йил oxирига келиб бу кўрсаткич деярли 7 миллиард долларга етиши мумкин.

Сўнгги йилларда мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошловининг прогрессидаги ўсиши куталмоқда. 2017 йилдан буён икки томонлама савдо ҳажми 22 фоиздан ошди, бунда Ўзбекистоннинг Россияга экспорти 42 фоизга ўсди. Бундай юқори кўрсаткичлар икки давлат 10 миллиард долларлик савдо айланмасига эришиш учун тизимли равишда кўзланган мақсад сари ҳаракат қилаётганини кўрсатади.

Россия 18 фоиз улushi билан Тошкентнинг асосий ташқи савдо ҳамкорлари орасида иккинчи ўринни эгаллайди. 2020 пандемия йилида биргаликдаги саъй-ҳаракатлар туфайли कोरोनाвирус чекловларининг Ўзбекистон — Россия савдо-иқтисодий ҳамкорлигига таъсирини қайтаришга эришилди. Утган йили ташқи савдо ҳажми 5,6 миллиард долларга етди. Президент Владимир Путин ҳақли равишда таъкидлаганидек, “бундай қийин пайтларда ҳам муваффақиятли ҳамкорлик қилаётганимиз яхши кўрсаткичдир”.

Таъкидлаш жоизки, савдо алоқаларининг ўсиши икки мамлакат ишбилармон доираларининг фаоллашуви билан таъминланади. Ўзбекистонда Россия капиталли иштирокидаги корхоналар сони сўнгги уч йил давомида 2 баробарга — 915 дан 2,2 мингтага кўпайди.

Биргина жорий йилнинг биринчи ярмида Россия капиталига эга 240 дан орტიқ қўшма корхоналар фаолият кўрсата бошлади, уларнинг 30 фоизи саноат соҳасига, 25 фоизи савдога ва 10 фоизи қурилиш соҳасига тўғри келади. Ўз навбатида, Ўзбекистон резидентлари томонидан Россияда 600 га яқин корхона ташкил этилди.

Бугунги кунга келиб қиймати 25 миллиард доллардан ортиқ бўлган 800 та савдо-инвестицион шартнома ва меморандумлар амалга оширилмоқда. Россиялик сармоядорлар Ўзбекистонга катта қизиқиш билдиarmoқда. Жумладан, 2014 — 2020 йилларда Россиядан жалб қилинган инвестициялар ҳажми 10 миллиард доллардан ортиқ ташкил этди, улардан 2019 йилда — 1,75 миллиард доллар, 2020 йилда — 1,57 миллиард доллар жалб этилди.

Самарали фаолият олиб бораётган Иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳуку-

матлараро комиссиянинг 22-йиғилиши 2021 йилнинг октябрь ойида Бухоро шаҳрида бўлиб ўтди. Саноат, транспорт, энергетика, қишлоқ ҳўжалиги, молия-банк, солиқ ва рақамлаштириш соҳаларидаги 100 дан ортиқ истиқболли лойиҳаларни ўз ичига олган 2024 йилгача мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик ҳужуматлараро дастури ва уни амалга ошириш бўйича тадбирлар режаси амалга оширилмоқда.

Тошкентда 2021 йилнинг апрель ойида ўтказилган “Иннопром — 2021: Ўзбекистонда катта саноат ҳафталиги” биринчи халқаро кўргазмаси катта муваффақият келтирди. Дунёнинг 20 мамлакатидан 1 минг 100 дан кўп корхоналар ушбу тадбир иштирокичига айланди. Тадбирлар якунида умумий қиймати 3,2 миллиард долларлик 301 та ҳужжат имзоланди, жумладан, 2,1 миллиард долларга тенг 28 инвестицион битим ва 1,1 миллиард дол-

вазир ўринбосарлари бошчилигидаги ҳужуматлараро комиссия ва икки мамлакат вазирлик ва идоралари раҳбарлари етакчилигидаги қўйи комиссиялар ташкил этилди.

Бунда Ўзбекистон ва Россия раҳбарларининг шахсий ташаббуслари билан 2019 йилнинг май ойида Ургач шаҳрида бўлиб ўтган икки мамлакат ҳўкумат раҳбарлари даражасидаги Қўшма комиссиянинг биринчи йиғилиши, айниқас, мўҳимдир.

Ушбу янги мулоқот майдони сиёсий, иқтисодий, маданий-гуманитар, илмий-техникавий ва бошқа соҳаларда эришилган икки томонлама келишувларнинг бажарилиши устидан ҳар томонлама назоратни таъминлашга мўлжалланган.

Ўзаро ҳамкорликни юқори сифатли амалий мазмун билан тўлдирган ҳолда, ушбу формат кенг кўламли ҳамкорликни ривожлантиришга қучли туртки берди. 22 июнь кuni Москва-

маслаҳатлашиш бўйича ҳамкорликнинг самарали механизмини яратиш имконини берди. Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ҳамкорликни янада кенгрок амалга ошириш мақсадида Федерал Мажлиснинг Давлат Дума-сидан 2021 йил апрель ойида Ўзбекистон томони ташаббуси билан меҳнат миграцияси соҳасида назорат бўйича Ме-морандумнинг имзоланиши парламентар дипломатияси орқали долзарб муам-моларни ҳал этишдаги мўҳим кадам бўлди. Ҳужжат миграция соҳасидаги ҳамкорликни ташкил этиш, икки дав-лат қонунчилигини яқинлаштириш бўйича таклифларни шакллантириш ва миграцияни тартибга солиш соҳаси-даги ҳуқуқий базани такомиллашти-ришга қаратилган.

Бундан ташқари, маҳаллий ҳоқи-мият ва бизнес даражасида самарали алоқалар ўрнатилди. Биргина ўтган йил давомида Ўзбекистоннинг барча 14 та минтақа раҳбарлари Россия-нинг 40 дан ортиқ минтақаларида бўлди ва ҳамкор томонларнинг жа-воб ишчи ташрифларини қабул қилди. Бундай минтақаларо ҳамкорлик на-тижалари умумий кун тартибининг янги қизқаркли гоялар ва ҳамкорлик лойиҳалари билан тўлдирилмоқда.

Кенг кўламли форумлар Ўзбеки-стон ва Россия ўртасидаги алоқалар-ни ҳар томонлама қамраб олувчи му-нтазам амалиётга айланди ва бу икки томонлама кун тартибининг янги аниқ мазмун билан тўлдириш имконини берди.

Жумладан, жорий ташриф арафа-сида 16 ноябрь кuni иккинчи Россия — Ўзбекистон таълим форуми бўлиб ўтди. Унда Россиянинг 40 та универ-ситети ва Ўзбекистоннинг 23 та уни-верситети ректорлари, шунингдек, икки мамлакатнинг тегишли идора-лари раҳбарлари ва вакиллари ишти-рок этди. Форум доирасида таълим соҳасидаги икки томонлама ҳамкор-лик форматларини белгиловчи 30 га яқин шартнома ва бошқа ҳужжатлар имзоланди.

Тадбир иштирокчиларига муржа-атида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев форумни давлат идоралари, олий ўқув юртлари ва экспертлар ўртасидаги мулоқот учун оммабоп ва самарали платформа деб атади.

Ўз навбатида, Россия Президенти Владимир Путин таълим соҳасидаги

сamarали ҳамкорликни кенгайтириш икки томонлама стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини ривожлантиришга ҳисса қўшилишини айтиб ўтди.

Президентларнинг муржаатлари шундан далолат берадики, ушбу та-дбир уларнинг таълим соҳасидаги ҳам-корликни ривожлантиришга бўлган эътибори остида ўтказилди. Сўнгги уч йил давомида Ўзбекистонда Россия университетларининг 11 филиали ва Россия халқлар дўстлиги универси-тетининг ваколатхонаси очилди. Шун-дай қилиб, бугунги кунда Ўзбекис-тонда 4,3 минг талаба таълим олаётган 15 та Россия олий ўқув юр-тининг филиаллари мавжуд.

Ўзбекистон фуқароларининг Рос-сия таълим даргоҳларига таълим оли-ши квотаси 2021-2022 йилларда Рос-сия федерал бюджетидан ажратила-диган грантлар ҳисобидан 220 тадан 460 тагача оширилди. Келгуси 2022/2023 ўқув йилида квоталар сони 750 ўрингача кўтарилиши кутилмоқда.

Шу билан бирга, 17 ноябрь кuni Москвада Ўзбекистон ва Россия ўрта-сида минтақаларо ҳамкорликнинг иккинчи форуми бўлиб ўтди ва унда коронавирус пандемиясидан кейин ту-ризм соҳасини тиклаш йўлари ва иқтисодиётнинг барча тармоқларида рақамлаштириш истикболлари муҳо-кама қилинди.

Ушбу форумда Россия минтақала-ридан 54 нафар ва Ўзбекистон вило-ятларидан 12 нафар вакиллар ишти-рок этди. Форумнинг ялпи мажлиси-да ҳар икки мамлакат раҳбарлари Шавкат Мирзиёев ва Владимир Путин сўзга чиқди.

Тадбир якунида томонлар умумий қиймати 9 миллиард долларга тенг 600 га яқин икки томонлама шартно-маларни имзоладилар. Улар орасида 7,4 миллиард долларлик 141 инвес-тициявий шартнома ва 1,6 миллиард долларлик 455 та экспорт шартнома-си мавжуд.

Ахборот соҳасидаги икки томон-лама муносабатларни мустақамлаш мақсадида ўз майдонида журналис-тика соҳасининг обурилу вакиллари-ни ҳамлаган иккинчи Ўзбекистон — Россия медиафоруми бўлиб ўтди. Ме-диафорум доирасида замонавий жур-налистиканинг долзарб масалалари-га, жумладан, журналистик таълимни такомиллаштириш зарурлигига катта эътибор қаратилди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Россияга расмий ташрифининг ва ўтка-зилган йирик форумларнинг салмоқли натижалари Ўзбекистон ва Россия му-носабатларини янги bosқичга олиб чиқади. Бугунги кунда, шубҳасиз, икки томонлама ҳамкорликнинг иттифоқчилик характери мамлакат раҳбарларига ўзаро манфаатли яқинлашувнинг улкан режаларини белгилаб олишга имкон берувчи тегишли динамикага эга бўлди.

Санжар ВАЛИЕВ, Ўзбекистон Республикаси Президентини хузуридаги СМТИ директори ўринбосари. Мирозиз МИРУМАРОВ, Ўзбекистон Республикаси Президентини хузуридаги СМТИ етакчи илмий ходими.

Ўзбекистон Буюк Британиянинг Кенгайтирилган GSP тизимида қўшилган биринчи давлат бўлди

Мамлакатимиз ушбу тизимга қўшилган биринчи давлат ҳисобланади. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган 7 минг 800 дан ортиқ товарларга мултлако импорт бож тўлови йўқлигини инobatта олган ҳолда, иккала давлат ҳам ўзаро савдо алоқаларини кенгайтириш тарафдори.

Қайш этилишича, GSP тизими Ўзбекистонга умумий қий-мати 437 миллиард фунт стер-лингдан ортиқ дунёнинг бешин-чи энг йирик иқтисодиёти ва

етақчи халқаро истеъмол ва ча-кана савдо бозорига кириш имконини беради.

Буюк Британия учун эса бу минтақавий марказ бўлиб хизмат қилади ва минтақанинг энг ривожланган бозорига киришни оsonлаштиради. Шунингдек, Ўзбекистоннинг ноёб тўқимачилик, қишлоқ ҳўжалиги ва бошқа махсулотларига йўл очади.

Бехруз ХУДОЙБЕРДИЕВ, ЎЗА мухбири.

МАҚСАД — ИЖТИМОЙ ТАШАБУСЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ

Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси томонидан “Энг яхши ижтимоий ташаббус” кўрик-танловини ўтказиш бўйича Республика комиссияси йиғилиши ўтказилди.

Танлов

Унда танловнинг республика босқичини ўтказишга тайёрлаш масаласи муҳокама қилинди.

Танлов низомига кўра кўрик-танлов жорий йилдан бошлаб, ҳар йили июль — ноябрь ойларида ўтказилади. Уни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад — худудларда ижтимоий масалаларни муваффақиятли ҳал этишга қаратилган ташаббусларни қўллаб-қувватлаш ва жамиятда ижтимоий ташаббуслорликни ривож-лантириш, шу орқали аҳоли-нинг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига қўмаклашиш ҳамда ижтимоий соҳа муассасалари инфратузилмасини яхшилашдан иборат.

Мамлакатимизда ижтимоий ташаббускорликка эришиш масалаларига жамoатчилик эъти-борини кенг жалб этиш ва иж-тимоий ташаббус кўрсатган иштирокчиларнинг илғор тажрибасини аниқлаш, умум-лаштириш ва тарғиб қилиш ҳам кўзда тутилмоқда.

Танлов “Энг яхши ижтимоий ташаббускор давлат бошқарув органи”, “Энг яхши ижтимоий ташаббускор нодав-лат иттиҳорат ташкилоти”, “Энг яхши ижтимоий ташаб-бускор тадбиркорлик субъек-

ти”, “Энг яхши ижтимоий та-шаббускор фуқаро”, “Энг яхши ижтимоий ташаббускор ҳоқим-лик” номинациялари бўйича уч босқичда ташкил этилади. Жорий йилда бу кўрик-танлов биринчи марта ўтқа-зилаётган бўлиб, унинг худудий босқичлари муваффақиятли якунланди.

Йиғилишда танловнинг якуни босқичини ҳам адолат-ли ва шубҳасиз ўтказишга алоҳида эътибор қаратиш, Республика комиссиясига тақдим этилган маълумотлар зару-ратга қараб жойига чиққан ҳолда ўрганилиши лозимлиги айtilди.

Танловнинг республика босқичи Тошкент шаҳрида бўлиб ўтади. Бу bosқичга чиқ-қан ҳар бир номинация бўйича 14 тадан иштирокчи (ҳар бир худуддан биттадан) иж-тимоий ташаббус доирасида олиб борган намунали фаоли-ятини кўргазмали тарзда ҳимоя қилади. Мамлакат босқичида энг яхши деб топилган ишти-рокчилар ҳужжатлари Республи-ка комиссияси томонидан Низом талаблари асосида тах-лил этилиб, улар орасидан 1, 2, 3-ўрин соҳиблари аниқланади.

«Халқ сўзи».

